



**“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ  
БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ МЕТОДОЛОГИЯСИ БОШҚАРМАСИДА  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ**

**2020 йил 25 февраль  
552-сон**

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки  
акциядорлари умумий йиғилишининг**

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки тафтиш комиссияси  
(тафтишчиси) тўғрисида низом”ни тасдиқлаш ҳақида”**

**ҚАРОРИ**



**“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ  
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
Қ А Р О Р И**

**““Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг  
кузатув кенгаши тўғрисида низом”ни  
янги тахрирда тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2000 йил 22 февралдаги 3/6-сон қарори (2000 йил 5 апрель, рўйхат рақами 916) билан тасдиқланган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом”га мувофиқ “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг кузатув кенгаши тўғрисида низом янги тахрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

а) “Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки акциядорлари умумий йиғилишининг 2014 йил 19 июндаги 37-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки кенгаши тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори (2014 йил 31 июль, рўйхат рақами 299);

б) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йиғилишининг 2015 йил 3 июндаги 39-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки кенгаши тўғрисида низом”га ўзгартириш киритиш ҳақида” қарори (2015 йил 8 июль, рўйхат рақами 299-1);

в) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йиғилишининг 2016 йил 10 июндаги 42-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки кенгаши тўғрисида низом”га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида” қарори (2016 йил 14 июнь, рўйхат рақами 299-2);

г) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йиғилишининг 2017 йил 30 августдаги 44-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки кенгаши тўғрисида низом”га ўзгартириш киритиш ҳақида” қарори (2017 йил 31 август, рўйхат рақами 299-3);

д) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йиғилишининг 2018 йил 7 июндаги 46-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки кенгаши тўғрисида низом”га қўшимча киритиш ҳақида” қарори (2018 йил 12 июнь, рўйхат рақами 299-4);

е) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йиғилишининг 2019 йил 10 июндаги 48-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки кенгаши тўғрисида низом”га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида” қарори (2019 йил 17 июнь, рўйхат рақами 299-5).

3. Мазкур қарор Банк ички норматив ҳужжатлари реестрида рўйхатдан ўтказилган куннинг эртасидан бошлаб кучга қиради.

**Акциядорлар умумий йиғилиши раиси**

**Т.Шарипов**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 24 февраль,  
50-сон.



**“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ  
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
Қ А Р О Р И**

**““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки  
тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисида низом”ни  
янги тахрирда тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2000 йил 22 февралдаги 3/6-сон қарори (2000 йил 5 апрель, рўйхат рақами 916) билан тасдиқланган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом”га мувофиқ “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисида низом янги тахрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

а) “Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки акциядорлари умумий йиғилишининг 2014 йил 19 июндаги 37-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори (2014 йил 31 июль, рўйхат рақами 300);

б) “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлари умумий йиғилишининг 2015 йил 3 июндаги 39-сон ““Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисида низом”га ўзгартириш киритиш ҳақида” қарори (2015 йил 8 июль, рўйхат рақами 300-1).

3. Мазкур қарор Банк ички норматив ҳужжатлари реестрида рўйхатдан ўтказилган куннинг эртасидан бошлаб кучга киради.

**Акциядорлар умумий йиғилиши раиси**

**Т.Шарипов**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 24 февраль,  
550-сон.

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки  
тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисида низом  
(янги таҳрири)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунлари асосида ишлаб чиқилди ва у “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки (кейинги ўринларда – Банк) тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) мақоми, таркиби, функция ва ваколатлари, ишлаш тартиби, Банкнинг бошқа бошқариш органлари билан ўзаро муносабатини, шунингдек аъзоларининг ҳуқуқи, мажбурияти ва жавобгарлигини белгилайди.

**1-§. Умумий қоидалар**

1. Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

2. Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Банк устави, Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорлари, мазкур Низом ва Банкнинг бошқа ички норматив ҳужжатларига амал қилади.

**2-§. Банк тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш**

3. Банк акциядорлари умумий йиллик йиғилиши Банк молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорлар ёки уларнинг вакиллари ичидан миқдор таркиби уч нафаргача бўлган Банк тафтиш комиссиясини ёки тафтишчисини бир йил муддатга сайлайди.

Айни бир шахс Банк тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиси сифатида) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Банк тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчиси) бир вақтнинг ўзида Банк кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Банкда меҳнат шартномаси бўйича ишлаши мумкин эмас.

4. Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ваколати муддати унинг Банк акциядорлари умумий йиғилишида сайланган пайтдан кейинги Банк акциядорлари умумий йиллик йиғилишида сайланиш (қайта сайланиш) пайтигача ҳисобланади.

5. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) Банк акциядорлари умумий йиғилиши чақирилишидан 10 кун

олдин Банк тафтиш комиссиясига (тафтишчисига), ушбу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда, номзодлар кўрсатишга ҳақли.

6. Банк тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) номзод кўрсатиш бўйича таклиф ёзма равишда киритилади.

Номзод кўрсатишга оид ёзма таклифга номзод тўғрисида маълумотнома илова қилинади.

Агар таклиф акциядор-юридик шахс томонидан кўрсатилган бўлса, ўз уставига асосан ишончномасиз ҳаракат қилаётган ушбу юридик шахс вакилининг имзоси юридик шахс муҳри билан тасдиқланади. Агар номзод кўрсатишга оид таклифни юридик шахс номидан ишончнома асосида ҳаракат қилаётган вакил имзоланган бўлса, унга ишончнома илова қилинади.

7. Банк тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) номзод кўрсатиш (шу жумладан ўзининг номзодини ўзи кўрсатиш) тўғрисида таклиф киритилганда қуйидагилар кўрсатилади:

а) номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (башарти номзод Банк акциядори бўлса);

б) номзодни кўрсатган акциядорларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (акциядор юридик шахс бўлган ҳолда, унинг номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури.

8. Банк тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) таклиф этилган номзоднинг овоз бериш учун тузилган номзодлар рўйхатига киритилишига, қуйидаги ҳолларда, Банкнинг кузатув кенгаши томонидан рад этиш қарори қабул қилиниши мумкин:

а) акциядор (акциядорлар) мазкур Низомнинг 5-бандида белгиланган муддатга рияз этмаган бўлса;

б) акциядор (акциядорлар) мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган миқдордаги Банк овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

в) мазкур Низомнинг 6-бандини иккинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

г) таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуни ёки Банк устави талабларига мувофиқ бўлмаса.

9. Банк кузатув кенгашининг Банк тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчисига) номзодни овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисида қарори устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ судга шикоят қилиш мумкин.

10. Банк тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчисига) номзодларга овоз бериш хар бир номзод бўйича алоҳида ўтказилади. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчисига) сайланган деб ҳисобланади.

11. Банк тафтиш комиссияси аъзоси (тафтишчиси) ўз хоҳишига кўра унинг таркибидан исталган пайтда чиқишга ҳақли, бу ҳақда у комиссия раиси ва Банкнинг кузатув кенгашини фаолиятини тўхтатишидан бир ой олдин ёзма хабардор қилиши лозим.

Банк тафтиш комиссияси аъзосининг (тафтишчисининг) ваколатлари, агар у Банк кузатув кенгашига киритилса, шунингдек, Банкнинг бошқа бошқариш органларидан бирида бирон-бир мансабни эгалласа, ўз-ўзидан тўхтатилади.

Банк тафтиш комиссияси аъзоси (тафтишчиси) ўз функцияларини жисмонан бажариши мумкин бўлмаган ҳолларда (ўлим, бедарак йўқолган деб тан олинганда, ўлган деб эълон қилинганда), унинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилади.

Банк тафтиш комиссиясини айрим аъзолари ёки барча аъзоларининг (тафтишчисининг) ваколатлари Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига асосан куйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилинади:

а) олти ой давомида тафтишчи сифатида ўз фаолиятини юритмаслиги;

б) текшириш пайтида тафтиш предметига дахлдор бўлган ҳужжат ва материалларни тўлиқ ўрганиб чиқмаганлиги оқибатида Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) томонидан нотўғри хулоса тақдим этилиши;

в) мазкур Низомнинг 27-банди талаблари бажарилмаслиги;

г) содир этилган бошқа фаолиятнинг (фаолият кўрсатмасликнинг) Банк учун салбий асоратларга олиб келиши.

12. Банк тафтиш комиссияси аъзосининг (тафтишчисининг) ваколатлари муддатидан олдин бекор қилинганда Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида Банк тафтиш комиссияси аъзоси (тафтишчиси) алмаштирилади.

Банк тафтиш комиссияси аъзосининг (тафтишчисининг) ваколатлари муддатидан олдин бекор қилинганда янги сайланган Банк тафтиш комиссияси аъзосининг (тафтишчисининг) ваколатлари Банк акциядорлари умумий ҳисобот йиғилиши томонидан Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) сайланиши (қайта сайланиши) пайтигача амал қилади.

### **3-§. Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ваколатлари ва ишлаш тартиби**

13. Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) Банк молия-хўжалик фаолиятини текширади ва назорат қилади.

14. Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) Банк молия-хўжалик фаолиятини режага

кўра бир йиллик иш якунлари бўйича тафтиш қилади.

15. Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тафтишни Банкда юритиладиган ҳисобот ва ҳужжатларга асосланган ҳолда амалга оширади.

16. Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ўз функцияларини бажаришда қуйидагиларни амалга оширади:

а) солиқ ва статистика органларига йил давомида топширилган Банк ҳисоботларини ўрганиш;

б) Банкнинг йиллик бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарар тўғрисида ҳисоботини ўрганиш;

в) Банк молиявий-хўжалик фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган норма ва қоидаларга риоя қилинишини текшириш;

г) Банкда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ва йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек бундай битимларни тузишда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Банк ички норматив ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш.

17. Тафтиш натижалари Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) томонидан тузилган далолатнома билан расмийлаштирилади, унда аниқланган камчиликлар кўрсатилиши, аниқ фактлар ва қонунбузарликка йўл қўйган ходимларнинг кирдикорлари баён қилиниши, бирламчи ва ҳисоб ҳужжатларига ҳаволалар бўлиши, аниқланган камчилик, қонунбузарлик ва суиистеъмол қилишнинг сабаби акс эттирилиши лозим. Далолатномага Банкнинг раҳбар ходимлари ва бошқа ходимларининг тушунтириш хатлари илова қилинади.

18. Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) Банк акциядорлари умумий йиллик йиғилишига Банк молия-хўжалик фаолияти тафтиши якунлари юзасидан хулоса тақдим этади, бу хулосада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

а) Банк ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига берилган баҳо;

б) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида ахборот.

19. Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) Банкда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ва йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек бундай битимларни тузишда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Банк ички норматив ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисида хулосани ҳар чорақда Банк кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

20. Банк молия-хўжалик фаолиятини бошқа давр ичидаги иш якунлари бўйича

тафтиш қилиш (кейинги ўринларда – режадан ташқари тафтиш қилиш) қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ташаббусига кўра;

б) Банк акциядорлари умумий йиғилишининг талабига биноан;

в) Банк кузатув кенгашининг ташаббусига кўра;

г) Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида беш фозизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) томонидан, Банкнинг кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан, қўйилган талаб бўйича.

21. Режадан ташқари тафтиш ўтказиш ташаббуси билан чиққан акциядор (акциядорлар) талабномасида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

а) акциядорнинг (акциядорларнинг) фамилияси, исми ва отасининг исми (юримдик шахс учун фирма номи);

б) акциядорга (акциядорларга) тегишли бўлган акциялар тўғрисида маълумот (акция сони, тури);

в) ушбу талабноманинг моҳиятан асосланиши.

22. Талабнома акциядор ёки унинг ишончли вакили томонидан имзоланади. Агар талабнома ишончли вакил томонидан имзоланса, талабномага Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари асосида расмийлаштирилган ишончнома илова қилинади.

Агар ташаббус акциядор-юримдик шахс томонидан кўрсатилган бўлса, унинг уставига мувофиқ ишончномасиз ҳаракат қилаётган юримдик шахснинг ишончли вакили имзоси ушбу юримдик шахс муҳри билан тасдиқланади. Агар талабнома юримдик шахс берган ишончнома асосида имзоланган бўлса, унда талабномага ишончнома илова қилинади.

23. Талабнома юзасидан Банкнинг кузатув кенгаши 10 (ўн) иш куни ичида Банк молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари тафтиш қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши ёки тафтиш ўтказишни асосли равишда рад этиши лозим.

Банкнинг кузатув кенгаши қуйидаги ҳолларда Банк молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари тафтиш қилишни рад этиши мумкин:

а) талабнома тақдим этган акциядор (акциядорлар) бунинг учун зарур миқдорда акцияга эга бўлмаса;

б) талабнома тақдим этган акциядор (акциядорлар) акциядорлар реестрида рўйхатдан ўтмаган шахслар бўлишса ва/ёки акциядорларнинг тегишли ваколлатига эга бўлишмаса;

в) талабномада маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган бўлса.

Банк фаолиятини режадан ташқари тафтиш қилиш ташаббуси билан чиққан акциядорлар, Банкнинг кузатув кенгаши томонидан тафтиш ўтказиш ҳақида қарор қабул



килингунга қадар исталган пайтда, бу ҳақида ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, ўз талабномаларини қайтариб олишга ҳақли ҳисобланади.

24. Режадан ташқари тафтиш ўтказиш тўғрисида қарор Банкнинг кузатув кенгаши йиғилишида кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Режадан ташқари тафтиш ўтказиш ҳақида қарор Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) номига юборилади ва у унга овоз берган Банк кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

25. Режадан ташқари ўтказилган тафтиш натижалари Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) томонидан тузилган далолатнома билан расмийлаштирилади.

Агар режадан ташқари тафтиш ушбу Низомнинг 20-бандини “б” кичик бандига мувофиқ ўтказилган бўлса, тафтиш яқунлари юзасидан тайёрланган хулоса Банк акциядорлари умумий йиғилиши муҳокамасига, ўрнатилган тартибда, тақдим этилади.

Режадан ташқари тафтиш ушбу Низомнинг 20-бандини “а”, “в” ва “г” кичик бандларига мувофиқ ўтказилган бўлса, унинг яқунлари юзасидан тайёрланган хулоса Банкнинг кузатув кенгашига, ўрнатилган тартибда, киритилади.

#### **4-§. Банк тафтиш комиссияси аъзоларининг (тафтишчисининг) ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

26. Банк тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчиси) ўз функцияларини тўлиқ бажаришлари учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Банкнинг бошқариш органлари, уларнинг таркибий тузилмалари раҳбарларидан тафтиш ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳужжат, маълумот ва материалларни, уларни ўрганиш Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) функциялари ва ваколатларига мувофиқ келадиган бўлса, олиш [кўрсатилган ҳужжатлар улар сўралгандан сўнг уч иш кун ичида Банк тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) тақдим этилиши лозим];

б) Банк бошқаруви ва Банкнинг кузатув кенгаши мажлисларида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

в) Банкнинг молиявий-хўжалик ва ҳуқуқий фаолиятида камчиликлар аниқланганда ёки Банк манфаатларига жиддий таҳдид вужудга келганда, агар бу масалалар Банкнинг кузатув кенгашида ҳал қилиниши лозим бўлса, Банкнинг кузатув кенгаши йиғилишини ўтказишни талаб қилиш;

г) Банкнинг молиявий-хўжалик ва ҳуқуқий фаолиятида камчиликлар аниқланганда ёки Банк манфаатларига жиддий таҳдид вужудга келганда, агар бу масалалар Банк акциядорлари умумий йиғилишида ҳал қилиниши лозим бўлса, Банк акциядорлари умумий навбатдан ташқари йиғилишини чақириш;

д) Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ваколатидаги масалалар бўйича Банкнинг раҳбар ходимлари ва бошқа ходимларидан ўз ҳаракатларини оқлаш учун далил талаб

қилиш;

е) Банк штатида бўлмаган мутахассисларни тафтиш ўтказишга шартнома асосида жалб қилиш;

ё) Банк раҳбарлари ва бошқа ходимлари томонидан суиистеъмол қилиш, Банк ички норматив ҳужжатларига зид ҳаракатлар содир этилганда, уларнинг жавобгарлиги ҳақида масалани Банкнинг бошқариш органлари ва уларнинг таркибий тузилмалари муҳокамасига киритиш.

27. Банк тафтиш комиссияси аъзоларининг (тафтишчисининг) мажбуриятлари:

а) тафтиш ўтказиш пайтида тафтиш предметига тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни синчиклаб ўрганиш, ўтказилган тафтиш натижаларини хулоса, ёзма ҳисобот, доклад, ахборот шаклида Банк акциядорлари умумий йиғилиши, Банкнинг кузатув кенгаши, Банк бошқарувига ўз вақтида маълум қилиш;

б) тижорат сирини сақлаш, ўз функцияларини бажариш учун фойдаланишга берилган ва сир сақланадиган маълумотларни эълон қилмаслик.

#### **5-§. Банк тафтиш комиссияси аъзоларининг (Банк тафтишчисининг) жавобгарлиги**

28. Банк тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчиси) қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар ҳисобланади:

а) нотўғри хулоса бериш;

б) сир сақланадиган маълумотларни ошкор қилиш.

**Бошқарув раиси**

**С.Нормухамедов**

*Бошқарув аъзолари билан келишилди:*

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари	Ф.Самарходжаев
Бошқарув раиси ўринбосари	К.Габбазов
Бошқарув раиси ўринбосари	З.Курганов
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори	М.Маисова
Стратегик ривожланиш департаменти директори	С.Урманова
Иқтисодий таҳлил ва статистика департаменти директори	М.Мухаммедярова
Юридик хизмат департаменти директори в.в.б.	М.Мамбетов